

**Қулматов Алимжон Абдиллоевич,**  
Ўзбекистон Миллий Университети  
“Макроиқтисодиёт” кафедраси доценти,  
иқтисод фанлари номзоди

# МИНТАҚА ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК: 334.75 (575.1)

## **ҚУЛМАТОВ А.А. МИНТАҚА ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мақолада бошқарувнинг турли даражаларида, жумладан, мезо- ва микродаражаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли муҳокама қилинди. Макроиқтисодий номутаносибликлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти кўрсатилди. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини инновацион ривожлантириш учун тўсқинлик қилаётган омиллар аниқланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қатор минтақавий дастурлари тадқиқ этилган.

Таянч иборалар: тадбиркорлик, Ўзбекистон минтақалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, мезодаражада тадбиркорликнинг ривожланиши, микродаражада тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлари, минтақавий дастурлар.

## **КУЛМАТОВ А.А. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНА**

В статье обсуждается роль и роль малого бизнеса и частного предпринимательства на различных уровнях управления, в том числе в микро и мезо уровнях. Рассмотрена значимость малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях макроэкономического дисбаланса. Определены факторы, препятствующие инновационному развитию субъектов малого бизнеса в Узбекистане. Исследован ряд региональных программ поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: предпринимательство, регионы Узбекистана, малый бизнес и частное предпринимательство, развитие предпринимательства в мегаполисе, приоритетные направления развития предпринимательства в микрорайоне, региональные программы.

## **QULMATOV A.A. PRIORITY DIRECTIONS OF REGION'S ENTREPRENEURIAL POTENTIAL DEVELOPMENT**

In the article is discussed the role of small business and private entrepreneurship at various levels of management, including micro and meso levels. The importance of small business and private entrepreneurship in the context of macroeconomic imbalance is considered. The factors that hinder the innovative development of small businesses in Uzbekistan are identified. A number of regional programs to support small business and private entrepreneurship have been investigated.

Key words: entrepreneurship, regions of Uzbekistan, small business and private entrepreneurship, development of entrepreneurship in the megalopolis, priority areas for the development of entrepreneurship in the microdistrict, regional programs.

**Кириш.**

Минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш минтақавий тизимларнинг инновацион ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг асосий шакли ҳисобланади<sup>1</sup>. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг барқарорлаштирувчи омили ҳисобланган эгилувчанлик ва бозор конъюнктурасига мослашувчанлик, ишлаб чиқариш таркибини тезкор ўзгартириш, янги технологиялар ва илмий ишланмаларни тезкор яратиш ва қўллаш қобилиятларига эга<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ID-9413-сонли қарори лойиҳасида берилган Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясида институционал ислохотларнинг йўналишларидан бири сифатида “Давлатнинг иқтисодий фаолиятини мақбуллаштириш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали давлат хизмати тизимини ислох қилиш, иқтисодиётда давлатнинг ролини қисқартириш ушбу устуворликни амалга ошириш даврида Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Давлат томонидан тартибга солишни қисқартиришга, инфратузилмавий секторларга хусусий секторни жалб этишга, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ролини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Самарасиз давлат корхоналарини таркибий ўзгартириш ёки қайта ихтисослаштириш назарда тутилади. Бу, энг аввало, рақобат афзалликларига эга бўлган тармоқларда иқтисодиётнинг экспорт-хомашёвий йўналтирилганликдан ривожланишнинг инновацион моделига ўтишини таъминлайди”<sup>3</sup>, деб таъкидланган.

<sup>1</sup> Воронов А.С. Разработка региональных стимуляторов устойчивого инновационного развития // Экономика и предпринимательство. — 2015. — № 1. — С. 258-261.

<sup>2</sup> Воронов А.С. Функциональное обеспечение региональных программ инновационного развития // Статистика и экономика. — 2016. — № 2. — С. 22-26.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ID-9413-сонли қарори лойиҳаси.

Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида “... бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади”<sup>4</sup>, деб таъкидланганлиги ушбу соҳадаги сиёсатнинг иқтисодий ривожланиш учун нечоғли аҳамияти катталигидан далолат беради. Жаҳон банкнинг “Бизнес юритиш” рейтингига энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди. Ҳукумат ушбу тадбирларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиши тақозо этилади.

Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди. Биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланар эди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади. Энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитишни ташкил қилишга эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш Президентимиз томонидан таклиф қилинди. Шу билан бирга, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа – лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартиблари ҳам жиддий ўзгартиришларга тортилмоқда. Мавжуд 280 га яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <https://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилинганлари ҳам бор. Бу эса тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман 2020 йил 1 мартга қадар лицензия ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини камида 2 баробар қисқартириш бўйича аниқ чоралар ишлаб чиқилди. Шунингдек, “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги Президент томонидан таъкидланди. Унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакиллари рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши зарурлиги қайд этилди.

2020 йилда ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий этилди. Унга кўра, тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда онлайн тартибида олиш имконияти яратилмоқда. 2020 йилнинг биринчи чорагида, илғор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилди. Ана шу тизим орқали ҳар бир корхона ва тадбиркор бўйича алоҳида-алоҳида иш олиб бориб, уларнинг қонуний фаолият юритишини таъминлаш, текширишни эса энг сўнгги фавқуллодда чора сифатида адолатли ўтказиш кўзда тутилмоқда. Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсати изчил давом эттирилмоқда.

2020 йилнинг март ойидан бошлаб, Ўзбекистон COVID-19 пандемияси қайд этилиши муносабати билан карантин тартиби жорий этилди. Бу эса Президентимиз Мурожаатномада белгилаб берган кўплаб вазифаларнинг бажарилишига ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, 1-ярим йилликда 10 минглаб саноат корхоналарининг фаолияти тўхтатилди. Бугунги кунда пандемия ҳали тўла барҳам топмаган шароитда ижтимоий масофани сақлаган ҳолда ишлашга ўтилди. Корхоналарга пандемия таъсирида юзага келган инқироз оқибатларини бар-тараф қилиш мақсадида солиқ ва кредитлардан имтиёзли шароитлар яратилди. Буларнинг ҳаммаси, айниқса, республика ҳудудларида катта тадбир-

корлик салоҳияти мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда уни янада ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишнинг бугунги пандемия шароитидаги долзарблигини белгилайди.

### **Илмий муаммонинг қўйилиши.**

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг микро-, кичик, яқка ва ўз-ўзини банд қилиш шакллари-нинг аҳамияти ошди. Шу сабабли иқтисодий эътибор модернизациялаш шароитида айнан ушбу шакллар янги иш ўринларини яратиш ва нафақат кафолатланган тадбиркорлик, балки фуқароларнинг меҳнат даромади олишлари учун имконият ҳам ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши нафақат ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам беради, балки миллий иқтисодий ва исталган минтақа иқтисодий ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади, мезодаража нуқтаи назаридан инфратузилмавий, хўжалик, шериклик, институционал алоқалар орқали бирлашган хўжалик субъектлари мажмуини мужасамлаштиради.

Беқарорлик шароитида кичик тадбиркорлик тузилмаларининг алоҳида ролини белгилайдиган олимларнинг ёндашувларини келтириш мумкин<sup>1</sup> бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- миллий ва минтақавий товарлар ва хизматлар бозорларида рақобат муҳитини яратиш;
- йирик бизнес учун манфаатли бўлмаган жойларда бозор таклифини яратиш;
- ёлланма меҳнат ва ўз-ўзича бандлик соҳасида янги иш ўринларининг реал асосини шакллантириш;
- ижтимоий руҳий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий барқарорлик асоси сифатида ўрта синфни шакллантириш;
- давлат, минтақа ва маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларини ўстириш имкониятларини кенгайтириш.

<sup>1</sup> Воронов А.С., Леонтьева Л.С. Инновационная устойчивость как характеристика регионального развития. — М: РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2016. — 116 с.; Воронов А.С., Леонтьева Л.С. К вопросу о типах региональных инновационных кластеров // Статистика и экономика. — 2016. — № 3. — С. 16-20.; Леонтьева Л.С., Башкатова Ю.И., Воронов А.С. Конкурентоспособность предпринимательских структур в условиях информационного общества. — М.: МЭСИ, 2015. — 155 с.; Леонтьева Л.С., Орлова Л.Н. К вопросу об устойчивости развития предпринимательских структур // Интеграл. — 2014. — № 1. — С. 98-99.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун асосий ва кўп учрайдиган тўсиқларга қуйидагилар киради:

- юқори ижара тўловлари, мослашувчан иншоотлар ва транспорт қулайлигининг чекланганлиги, бизнес турига тегишли кўчмас мулкни тижорат асосида ёллаш реал имкониятининг чекланганлиги;

- молиявий чекловлар, айланма маблағларнинг етишмаслиги;

- минтақавий ва хорижий бозорларга чиқиш ҳақида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хабардормаслиги;

- ёлланма ходимни танлаш ва ривожлантириш, бизнес бошқаруви ва тузилиши соҳасида тадбиркорлар касбий лаёқатларининг чекланганлиги;

- улар ривожланишининг турли босқичларида тадбиркорликни манзилли қўллаб-қувватлаш механизмларининг мавжудмаслиги.

Айнан шу сабабли ҳам аниқ ҳудудларни ривожлантиришнинг мақсадли устувор йўналишларига мувофиқ, қўллаб-қувватлаш тегишли йўналишларини белгиладиган минтақавий тузилмалар кичик бизнес субъектларининг ривожланишида катта роль ўйнай бошлади. Сўнги йилларда инқирозли ҳодисалар пайдо бўлиши билан боғлиқ равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг фаоллашишига қарамасдан, ундан фойдаланишда бизнес тузилмалар ўз фаолиятида дуч келаётган асосий муаммолар эҳтимоли ошмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қўйилиши мумкин бўлган минтақа ресурслари ва барча даражалардаги молия ресурсларини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг энг юқори самарадорлигини таъминловчи воситаларни аниқлаш зарур. Бизнеснинг фикримизча, бу дастурий-мақсадли усул ҳисобланади. Барча даражадаги ҳокимият органлари жорий иқтисодий-бошқарув фаолияти доирасида алоҳида лойиҳаларни бажариш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатларнинг тарқатиб юборилиши ва мувозанатлашмаганлиги кузатиладиган ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларининг ҳал қилиниши муҳимдир.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқувчиларнинг фикрича,

тадбиркорликни бошловчиларни комплекс ва мослашувчан қўллаб-қувватлаш механизмлари ривожланганлигининг етарли бўлмаган юқори даражаси ҳар қандай муҳитда кичик тадбиркорликнинг ривожланишини тўхтатиб қўяди. Минтақа дастурида салбий омиллар сифатида ускуналарнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши юқори даражаси, янгиларини қўлга киритиш учун молиявий ресурслардан чекланган фойдаланиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш, ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекцион ютуқларга патентларни расмийлаштириш, интеллектуал фаолият натижаларини давлат томонидан рўйхатга олишнинг қийинлиги, минтақа интеллектуал мулкни тижоратлаштириш тартиботларининг етарли ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ харажатларнинг катталиги киритилади<sup>1</sup>. Келтирилган муаммоларни ҳал қилиш, ушбу йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

#### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув усулларида фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар.**

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Стратегияси доирасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кичик бизнесни ривожлантириш узоқ муддатли дастурлари ўзаро мувофиқлаштирилган. Ушбу стратегия асосига қўйилган асосий тамойиллардан бири барча даражаларда ва соҳаларда қўллаб-қувватлаш тизимидан тенг фойдаланишни таъминлашдан иборатдир<sup>2</sup>. Бироқ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимининг амал қилишига ва тадбиркорларнинг ушбу қўллаб-қувватлашни олиш имконияти ҳақида хабардорлиги даражасига жавоб берадиган ҳукумат тузилмалари мутахассислари ва раҳбарлари компетентлигининг турли даражадалиги туфайли ушбу тамойил фақат қисман бажарилмоқда.

<sup>1</sup> Воронов А.С., Леонтьева Л.С. К вопросу о типах региональных инновационных кластеров // Статистика и экономика. — 2016. — № 3. — С. 16-20.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ID-9413- сонли қарори лойиҳаси. // www.president.uz 13.11.2019

**1-расм. Аниқ тадбиркорлик тузилмалари даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.**



Бунинг учун республика ҳудудлари даража-сида устувор комплекс чоралар алоҳидалашмаган таркибий бўлимлар томонидан амалга оширилмади, балки кичик бизнес устувор йўналишларига мувофиқ, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси доирасида бирлаштирилган (1-расм). Барча дастурлар кичик бизнес субъектларининг барча қўллаб-қувватлаш воситаларидан тенг фойдаланиш тамойилига асосланган. Бу эса рақобатлантиришлар ривожланиши шароитида долзарб бўлиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган воситалар микродаражадаги устуворликларга мувофиқ, гуруҳланиши ва тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш манфаатлари ва жамият манфаатларининг мувозанатини таъминлаши зарур бўлиб, у макро- ва мезодаражадаги давлат шахсида давлат-мақсадли усулидан фойдаланиб, уларни қўллаб-қувватлашни таъминлайди:

- барқарор даромад ва турли даражадаги бюджетга тушумларни таъминлайдиган кичик бизнес субъектлари сонини кўпайтириш бўйича чоралар;

- тадбиркорлик фаолиятини касбий ва ижтимоий аҳамиятга айланттириш учун шарт-шароит яратиш;

- тадбиркорлик фаолияти учун реал имкониятларга эга иқтисодий соҳаларини белгилаш;

- кичик корхоналар мулкий ҳуқуқларини муҳофазалаш, уларнинг фаолиятини мулкий ресурслар билан таъминлаш учун шароит яратиш (ижара ва инвестиция майдончалари асосида);


- кичик бизнесни бошқариш сифатини оширишга қаратилган ахборот ва таълим дастурларини яратиш, бунинг оқибатида мазкур ташкилотлар даромадлиги ва самарадорлигини ошириш;

- кичик бизнес субъектларининг тендерлар ва танловларда қатнашиш, кредит ставкаларини қоплаш жозибadorлиги ҳисобига молиявий ресурслар барча турларидан тенг фойдаланишларини таъминлаш;

- товарлар ва хизматларни республика ва жаҳон бозорларига силжитишга қаратилган самарали кўргазма фаолиятини ривожлантириш.

Минтақаларда кичик бизнес томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар рақобат мақомини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва мослашувчан чоралар комплексини шакллантириш ҳисобига ижтимоий-иқтисодий барқарорликни яратиш, мезодаражада тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг стратегик мақсади ҳисобланади.

2-расм. Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони.



Бугунги кунда, самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда товарлар ва хизматлар бозоридаги монополияни босқичма-босқич камайтириш иқтисодийни янада ривожлантириш ва либераллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодийдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сон Фармонига кўра, мамлакат иқтисодиётида давлат иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ва бозор механизмларига ўтиш амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти соҳасида 86 та айрим лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-тамомойиллари, шу жумладан, 38 та турини 16 тага бирлаштириш, 25 та тури бўйича расмийлаштириш муддатларини қисқартириш ҳамда 14 та лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни беришни марказлаштириш орқали бекор қилинди ва солиқ юки камайтирилди. Тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланиётгани қайд этилмоқда, сўнгги уч йилнинг ўзидаёқ амалдаги тадбиркорлик субъектлари сони 25 фоизга ошди (2-расм).

Маълумотлардан кўришиб турибдики, саноат ишлаб чиқариши ҳажмида кичик корхоналар улуши юқори бўлган ҳудудлар сифатида Наманган (60,3%), Жиззах (53,6%), Самарқанд вилоятларини (51,3%), кам бўлган ҳудудлар сифатида эса Навоий (8,9%), Андижон (19,5%), Қорақалпоғистон Республикаси (19,5%) ва Тошкент вилоятини (20,8%) келтириш мумкин.

Кўрилатган чоралар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган кўплаб озиқ-овқат (алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, нон, нон маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда айрим ноозиқ-овқат товарлар (мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқалар) бозорларида рақобатнинг ривожланишини таъминлади. Қурилиш материаллари, кабель ва сим маҳсулотлари, пул ўтказмалари хизматлари бозорида йирик компанияларнинг монополияси тугатилди.

Яратилган биржа механизми бозор иштирокчиларини юқори ликвидли ва монопол турдаги хом ашё ва материаллар билан бир хилда таъминлаш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси товар айланмасининг 65 фоизини монопол маҳсулотлар ташкил этади. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сўнгги йилларда монопол корхоналар сони икки баравардан ортиққа камайди.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги тизимли муаммолар ҳал этилмаган:

- иқтисодиётда давлатнинг ҳаддан зиёд юқори иштироки;
- нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши;
- имтиёз ва преференцияларнинг самарасиз тизими;
- бизнес субъектларига тартибга солиш юкиннинг юқорилиги ва тармоқларни тартибга солувчи

**1-жадвал. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми<sup>1</sup>**

	2016	2017	2018	2019
Ўзбекистон Республикаси - жами	50654,5	61367,8	87962,0	83344,2
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон Республикаси	1133,4	1365,4	2219,3	2517,5
Андижон вилояти	4011,3	4572,2	5820,9	5878,3
Бухоро вилояти	2563,2	2795,1	3568,6	4778,7
Жиззах вилояти	1182,3	1629,5	2390,8	2638,0
Қашқадарё вилояти	2596,2	2526,2	3191,5	4062,2
Навоий вилояти	2215,6	2532,0	3837,8	3746,3
Наманган вилояти	2410,5	3352,4	4745,2	5002,7
Самарқанд вилояти	4475,6	5171,7	7717,0	6402,1
Сурхондарё вилояти	995,7	1204,6	1558,6	1736,4
Сирдарё вилояти	1639,5	1888,6	2654,2	2518,9
Тошкент вилояти	5737,5	6514,6	10885,4	11839,2
Фарғона вилояти	3652,0	3864,2	5368,5	7205,0
Хоразм вилояти	1336,5	1746,5	2397,8	2575,5
Тошкент шаҳри	16705,2	22204,8	31606,3	22443,4

органларнинг рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги;

– табиий монополия ҳолатини суиистеъмол қилиш;

– рақобатга қарши ҳолатларга қарши курашиш ҳуқуқий механизмларнинг такомиллашмаганлиги ва шаффофсизлиги.

Бугунги кунда товар ва молия бозорларида давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар устун мавқега эга бўлиб қолмоқда, масалан, монопол ташкилотларнинг 80 фоизи давлат улушига эга ёки давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат қилинади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг давлатга тегишлилиги ва давлат томонидан назорат қилиниши масаласи қонун ҳужжатларида тартибга солинмаганлиги тўғрисида давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки даражасини аниқлашда қийинчиликлар сақланиб қолмоқда. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар рақобат ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган давлат унитар корхоналари (ДУК) ва шўъба корхоналар кўринишида ўзларининг назорати остида тузилмалар ташкил этмоқда. Бугунги кунда бундай корхоналар сони 4300 тадан ортиқни ташкил этмоқда, шу жумладан, акциядорлик ва

масъулияти чекланган жамиятлар шаклида 1300 тадан ортиқ, давлат унитар корхонаси шаклида 1800 тадан ортиқ ва уларнинг аффилиланган шахслари 1100 тадан ортиқ<sup>2</sup>.

Бозор муҳитининг ривожланмаганлиги ва давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки давлат иштирокидаги алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарасизлигига олиб келмоқда, бу эса «ўзаро кесишувчи» субсидиялаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим этиш кўринишидаги давлат кўмаги орқали қопланмоқда.

Молия ва капитал бозорларида (биржа, марказий депозитарий, банклар) давлатнинг иштироки ва унинг ваколатларининг юқори концентрацияси сақланиб қолмоқда, бу эса манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармоқда ва бозор механизмларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Масалан, фонд биржасидаги қимматли қоғозлар операциялари бўйича ҳисоб-китоб хизмати устидан давлатга тегишли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖнинг монополияси ўрнатилган. Умуман олганда, банк секторининг 83 фоизи давлат иштирокида фаолият кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик (2016-2019). – Т.: 2020. Б.23.

<sup>2</sup> [www.stat.uz/uz/nashrlar-me'yoriy-hujjatlar](http://www.stat.uz/uz/nashrlar-me'yoriy-hujjatlar)

Миллий даражада тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг исталган концепцияси фақат “қолипли” йўналишни беради. Минтақавий ҳаракатлар даражасида минтақа ўзига хослигидан ва кичик бизнеснинг ҳолатидан келиб чиқиб, ресурсларни ва мақсадларни аниқлаштириш зарурати юзага келади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қўллаб минтақавий дастурларида ривожланишга тўсқинлик қилувчи кичик тадбиркорлик барча шаклларида тизимлаштирилиши келтирилади. «Ҳар бир оила — тадбиркор» ва «Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, минтақавий дастурларда турли сабабларга кўра, аниқ ишлаб чиқаришларни (тўқимачилик, заргарлик буюмлари, ёғочни қайта ишлаш маҳсулотлари ва б.) ривожлантиришга хусусий капитални жалб қилишнинг паст имкониятлари, иқтисодий ва истиқболли инновациялар умуммиллий омилларга киритилган, асосий салбий омиллар сифатида кичик бизнес субъектларининг паст инновацион салоҳияти ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг мавжудмаслиги аниқланган.

Инновацион ривожланишни тўхтатиб қўювчи омиллар қаторига интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштиришдан иқтисодий фойда олиш ҳамда хизматлар тақдим қилиш (воситачилик, ахборот, ҳуқуқий, банк ва б.) ресурс соҳасини ташкил қилишнинг ривожланмаганлиги хатари киради. Кичик бизнес тузилмалари одатда асосий ишлаб чиқариш омилларига юқори нархлар, янги технологияларни жорий қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш тартибларининг мураккаблиги, назорат органлари текшириш тартиблари туфайли паст даромадлиликка эга.

### Хулоса.

Шундай қилиб, тезкор мақсадлар тизимини шакллантириш нуқтаи назаридан минтақавий дастурларни қуйидаги тарзда шакллантириш мумкин бўлиб, улар туфайли бизнес ва давлат манфаатларининг мувозанатига эришилади:

– минтақалар ва бутун мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланиш шарти сифатида

кичик бизнес субъектларини барқарор ривожлантириш;

– кичик бизнес субъектлари даромадлари ҳамда уларнинг минтақалар бюджетига тушумлари улушини ошириш;

– ўз-ўзини банд қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш;

– тизимли қўллаб-қувватлашнинг ривожланиши шароитида кичик бизнес манфаатларини ҳисобга олиш;

– ишонч даражасини ошириш мақсадида давлат ва бизнес муносабатларининг ахборот жозибадорлигини яхшилаш.

Минтақа дастурларида қуйидаги аниқ муаммолар шакллантирилган бўлади: аҳоли катта қисмининг тадбиркорлик фаолиятига салбий муносабат – кичик тадбиркорлик субъектларини маслаҳат, ўқув-услубий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш паст касбий сифатининг ўринлиги. Шундай қилиб, кичик бизнеснинг ривожланишини чеклайдиган тўсиқлар сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинганлигининг юқори бўлмаган даражаси, бу оммавий ишсизлик масаласини ҳал қилиш имконини чеклайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда тадбиркорлик тузилмалари иштирокини миқдор ва сифат жиҳатдан янги даражага ўтказиш алоҳида ҳўжалик субъектларининг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш реал устуворликлари остида қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини мослаштириш ҳисобига кичик тадбиркорлик субъектлари учун имкониятларни кенгайтириш бўйича ҳаракатлар мажмуи талаб қилинади. Кичик корхоналар ривожланишини тўхтатиб қўювчи омилларни бартараф қилиш фақат молиявий, мулкӣ ва ташкилий ресурсларни жамлаш ва мувофиқлаштиришда, барча даражадаги ҳокимият органларининг ўзаро таъсирида амалга оширилиши мумкин.

Бунда алоҳида тузилмалар тадбиркорлик салоҳиятини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича бошқарув жараёнлари уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган минтақавий бошқарув тизимларини яратишдан узилиши мумкин эмаслигини ҳисобга олиш зарур.



**Адабиёт рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [www.president.uz](http://www.president.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ID-9413-сонли қарори лойиҳаси. // [www.president.uz](http://www.president.uz) 13.11.2019
3. Воронов А.С. Разработка региональных стимуляторов устойчивого инновационного развития // Экономика и предпринимательство. — 2015. — № 1. — С. 258-261.
4. Воронов А.С. Функциональное обеспечение региональных программ инновационного развития // Статистика и экономика. — 2016. — № 2. — С. 22-26.
5. Воронов А.С., Леонтьева Л.С. Инновационная устойчивость как характеристика регионального развития. — М: РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2016. — 116 с.
6. Воронов А.С., Леонтьева Л.С. К вопросу о типах региональных инновационных кластеров // Статистика и экономика. — 2016. — № 3. — С. 16-20.
7. Леонтьева Л.С., Башкатова Ю.И., Воронов А.С. Конкурентоспособность предпринимательских структур в условиях информационного общества. — М.: МЭСИ, 2015. — 155 с.
8. Леонтьева Л.С., Орлова Л.Н. К вопросу об устойчивости развития предпринимательских структур // Интеграл. — 2014. — № 1. — С. 98-99.
9. [www.stat.uz /uz/nashrlar-me'yoriy-hujjatlar](http://www.stat.uz/uz/nashrlar-me'yoriy-hujjatlar)